

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 ЙИЛГИ НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она табиатни севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни қадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу гоёларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байраמידир. Асрлар давомида эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларини ифода этиб келаётган Наврўз мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланган.

Наврўз байрамининг бекиёс ижтимоий-маънавий аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу кутлуг айёми юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овуларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган. "Азия ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган гоёни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз муносабати билан инсон ўзини табиат фарзанди, унинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни асраб-авайлашга, бугунги тинч, эркин ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга чорлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;

Барча шаҳар ва қишлоқларда Наврўзнинг тарихи, мазмуни ва фалсафасини, ушбу байрамни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар, қадрият ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзида мужассам этган оммавий сайиллар ўтказиш;

Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган савоб ишлар, хайрия тадбирлари ва оммавий ҳашарларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган сайилларга фольклор-этнография гуруҳлари ва ансамблларни, таниқли санъаткорлар, ҳаваскор хонанда ва созандалар, бахшилар, аскиячи ва қизикчилар, дорбозларни, ёш ижрочиларни кенг жалб этиш;

халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, ҳунармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадий учрашувлар, китоб байрамларини ташкил этиш.

3. Ташкилий кўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЙЎЛНИНГ ЯНГИ УЙЛАРИ

ҳадемай кўплаб оилаларга бахтиёрлик шукуҳини ҳадея этади

Йил бошида вилояти-мизга, хусусан, Янгийўлга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари шаҳарнинг бош режа лойиҳаси билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари мутаасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар бераркан, оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастурини амалга ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Режага кўра, жорий йил бу ерда ҳар бири 44 квартирали 12 та 7 қаватли уй қурилади, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этилади.

"Тошкент вилоят маҳсус монтаж қурилиш" масъуляти чекланган жамияти қурувчилари бешта 7 қаватли уй қурилишини бошлаб юборишган.

Олдимизда катта вази-фалар турибди, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Акмал Аброров. — Айни кунларда уйланинг пойдеворини қавлаш ва бетон қуйиш жараёни кетмоқда. Замонавий архитектура лойиҳалари



асосида бунёд этилаётган уй-жойлар шаҳар кўрқига-кўрк бағишлайди. Уйлар атрофида барпо этиладиган инфраструктура объектлари замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур тураржойларни қуришда илғор андозалар ва энг сўнгги русумдаги қурилиш материалларидан фойдаланилади ва улар тезкор лифтлар ҳамда си-

фатли газ, электр, иссиқлик ва сув ўлчагич мосламалари билан жиҳозланади. Яна бир гап. Жорий йилнинг ўрталарида ҳовли тўйлари ўтказилиши мўлжалланаётган дастлабки уй-жой-

ларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида ёш оилаларга тақдим этиш режалаштирилган.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР

ҳамма вақт барча сабъ-ҳаракатларимиз марказида бўлиши керак

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда хотин-қизларни кўллаб-

қувватлаш, уларнинг республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, энг муҳими, жамиятимизнинг асосий бўғини — оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган муҳим тарихий ҳужжат сифатида эътироф этилмоқда.

Аёл, оила ва жамият

Жумладан, вилоятимизда ҳам ушбу муҳим ҳужжат ижроси юзасидан кенг қўламли сабъ-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпибоева билан суҳбатимиз хотин-қизларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган Фармонининг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари хусусида бўлди.

— Вилоятимизда ҳам 2017 йили хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтириш бўйича муайян ишлар амалга

оширилди, — дейди О. Парпибоева. — Жумладан, 2 минг 595 та ажримнинг олди олинди, 35 минг 853 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Олти минг 108 нафар аёлга имтиёзли кредит олишга ёрдам берилган. Лекин, шу билан бирга, 16 та оналар, 580 та гўдақлар ўлими, 16 та эрта туғуруқ ҳолати, 3 минг 620 та ажрим, 885 та хотин-қиз ва 215 та воёга етмаганлар жиноятчилиги аниқланган. Кўриниб турибдики, ютуқларимиздан кўра ютуқизликларимиз кўп. Демак, фаолиятимизнинг қаерларидадир кемтикликлар бор. Бинобарин, бундай салбий ҳолатлар Президенти-

миз таъкидлаганларидек, шу пайтгача хотин-қизлар манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича самарали механизм яратолмаганимизни кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг янги Фармонида хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўққинлик қилаётган бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлиги ҳам ҳаққоний эътироф этилиб, уларнинг амалий ечимлари кўрсатиб берилган.

Давоми 2-бетда

Депутат минбари

Давлатимиз раҳбарининг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони таълим тизимида, хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишида сўнгги йилларда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишга йўл очиб берди.

Ўқувчилар мамнун, Ота-оналар рози

Жумладан, касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш пунктларидан узоқда эканлиги, бу ўқувчиларнинг давоматига катта салбий таъсир кўрсатиши, қолаверса, ўқув муассасалари ёшларни, аввало, ҳунарга ўргатишга йўналтирилган бўлса-да, бироқ уларнинг бу борадаги моддий-техник базаси талабга жавоб бермаслиги, мутахассисликлар касбий эҳтиётга қараб тайёрланмагани, ўз навбатида, бу битирувчиларни иш билан таъминлашда катта муаммоларни келтириб чиқаргани ҳақиқатан ҳам ҳеч кимга сир эмас.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб 11-синф битирувчиларини хоши-истақларига қараб уларга ҳунар ўргатилиши, бунда, энг аввало, кадрларга бўлган реал эҳтиётни ўрганган ҳолда касб-ҳунар коллежларининг фаолияти мувофиқлаштирилиши, бўш қолаётган бинолардан самарали фойдаланишни ташкил этган ҳолда улар мактаб, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ёки мактабгача таълим муассасаларига айлантирилиши аҳоли учун айна мудоа бўлади.

Эндиликда, касб-ҳунар коллежлари оддий таълим маскани эмас, балки танланган йўналиш бўйича мукамал билим ва ҳунарга эга бўлган ёшларни етказиб берадиган нуфузли даргоҳга айланмоқда. Бунда нафақат маҳаллий, балки хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, унда нодавлат таълим сектори билан давлат таълим тизимини интеграциялашга ҳам эътибор берилган бўлиб, келгусида табақалаштирилган таълим жараёни амалиётга татбиқ этилади.

Бир сўз билан айтганда, фармон ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар ўрганишида мукамал шароитлар яратди. Юртнинг эртанги кунини ўғил-қизларимиз кўлида экан, демак, бу йўлда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида биз, депутатлар ҳам жонбозлик кўрсатишимиз лозим.

Киёфот ЭРМУҲАМЕДОВА,
Халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати

«Зарбдор уч ойлик» давом этмоқда

Ободлик, саранжом-сарашталлик халқимизнинг асрлар оша яшаб, сайқал топиб келаётган эзгу фазилатларидандир. Ободлик, бунёдкорлик эҳтиёт-жи инсонни ҳамisha савоб ишларга бошлайди, кўнглига эзгу ниятларни солади.

Вилоят ҳокимининг "Вилоятда ободонлаштириш зарбдор уч ойлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилиниши вилоятимиз аҳолисининг айна дилидаги иш бўлди. Бунинг билан шиддат билан давом этаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида ёшу қари қалб амри, кўнгли даъвати билан фаол иштирок этаётганидан ҳам билиш мумкин.

— Кўкларнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланай деб қолган айни дамларда минглаб фаоллари-

ЁШЛАР ОБОДЛИК ТАРАФДОРИ



миз қатори уюлмаган ёшлар ҳам бу жараёнда алоҳида ташаббус кўрсатишмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъул ходими Ш. Охунжонов. — Ўз ота-боболари ётган қабристонларда, табаррук қадамжоларда ёшлар ҳашарлари ташкил этилаётгани ҳам жуда қувонарлидир. Энг муҳими, ёшларимиз бундай қадриятларнинг асл моҳияти,

маърифатини теран англаб етишмоқда.

Дарҳақиқат, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари атрофга ўзгача файз, гўзаллик, кўнглиларга эса байрамона шукуҳ бахш этади. Худди шунга уйғун тарзда вилоят ёшлари ташаббуси билан "Ёшлар — экологик тоза шаҳар қуради" шиори остида маърифий акция ўтказилаёт-

гани ҳам айна мудоадир.

— Жойларда фаолият олиб бораётган саломатлик посбонлари иштирокида ташкил этилган акциямизга қўшилиётган кўнгли ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши қошидаги саломатлик тўғраги раҳбари Санжар Турсунбоев. — Баҳорда кўча ва хиёбонлар, табаррук қадамжолар, маъ-

навият ва маърифат масканлари обод бўлмоқда. Бекобод туманидаги Истиклол شوҳрўчаси, Ангрэн шаҳар марказий кўчаларидаги ҳашарларда акция иштирокчиларининг фаоллиги яққол сезилди. Тадбирга жорий йилнинг март ойига қадар вилоятнинг барча ҳудудларини қамраб олишни мақсад қилганмиз.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2018 йилги НАВРЎ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳокимлар раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар тузиш;

байрам сайилларини барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда босқичма-босқич равишда юқори савия-

Бошланғич 1-бетда

да, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш;

Меҳрибонлик, Саховат, Мурувват уйлари, кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳокимлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетини ва Тошкент

шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улшларда қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 февраль

Сўраган эдингиз

ТАЪМИНОТЧИДА
ТАРТИБ, ИСТЕЪМОЛЧИДА
ИНСОФ БЎЛСИН

Эшитишимизча, тадбиркорлик субъектларига газлаштириш техник шартлари "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини амалга оширувчи марказлар томонидан тақдим этилаётган экан. Илтимос, шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Н. Зиёдуллаев,
Куйи Чирчиқ тумани

Дарҳақиқат, кундалик фаолиятимизда келиб тушадиган мурожаатларнинг каттагина қисми ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи ва бизнес бошлаш ниятидаги истеъмолчиларга тегишлидир. Улар кўпинча газ тармоқларига уланишга доир амалдаги тартибқоидалар билан қизиқишади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан бу борадаги аниқ мезонлар белгилаб берилган. Унга мувофиқ, истеъмолчилар (шу жумладан, умумий ҳисоб қуввати 100 кВт дан юқори бўлган газдан фойдаланиш ускуналарига эга оилавий корхоналар) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва қонун ҳужжатларига кўра газлаштириш ишларини бажариш ҳуқуқига эга ташкилотлар томонидан ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳа-техник ҳужжатларга асосан газ билан таъминланади.

Янги турдаги газдан фойдаланиш ускуналарини ишга тушириш ва фойдаланилаётган қувватларни реконструкция қилиш ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни мўлжаллаётган истеъмолчилар газ таъминоти ташкилотлари билан газ тармоқларига уланишининг техник имкониятларини келишиш учун белгиланган шаклда табиий газ истеъмоли бўйича асосланган ҳисоб-китобларни тақдим этади.

Газ таъминоти ташкилоти газлаштириш масаласи бўйича ижобий қарор қабул қилган тақдирда, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига газлаштириш техник шартини олиш учун буюртма беради.

Буюртмани кўриб чиқиш муддати 3 иш кунини, газлаштириш техник шартларининг амал қилиш муддати улар берилган кундан бошлаб 2 йилни ташкил қилади.

Тадбиркорлик субъектларига газлаштириш техник шартларини бериш "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини амалга оширувчи марказлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов ундирилмасдан амалга оширилади. Бунда истеъмолчиларнинг хоҳиши билан газ тармоқларига "тайёр ҳолда" уланиш мумкин.

Газдан фойдаланиш ускунасини кўриқдан ўтказиш ва табиий газ узатишга рухсатнома бериш истеъмолчининг аризаси тушган кундан бошлаб, 10 иш кунини мобайнида газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Умиджон Тўлаев,
"Ўздавнефтегазинспекция" ҳудудий бўлими бош инженери

Эҳтиёт шарт!

Президентимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ, вилоятимиз ҳудудидаги 12 та аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ўтган йил давомида мазкур иншоотлар лойиҳа ҳужжатларига киритилган ёнги хавфсизлиги бошқармаси ва унинг қўйи тизим ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
МАСЪУЛИЯТИ

Бунда асосий эътибор сув таъминотини лойиҳалаштириш даврида шаҳар-созлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда ёнги лойиҳаларнинг олдини олиш, қуриш-монтаж ишлари олиб борилаётган ҳудудларда сув ҳовузлари ташкил этиш масалаларига қаратилди. Ақсарият ҳолларда аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига ёнги қарши тадбирлар яъни, ёнги қарши сув ҳовузларини барпо этиш ва ер ости сув гидрантлари ўрнатиш ишлари киритилмагани аниқланди.

Мисол учун, Пискент шаҳрини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича "Лойиҳа маслаҳат" МЧЖ томонидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 2 та сув ҳовузи, 1 та сув минораси, беш минг метрдан зиёд сув қувурини ўтказиш ва фақат 1 та ер ости сув гидрантини ўрнатиш киритилган. Ёнги қарши сув таъминоти ҳақида ўйлаб кўрилмаган.

Ўтган йили вилоят ҳудудида 1 минг 539 та ёнги содир бўлган, шундан 47 таси сувсиз ҳудудларга тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, жойларда ёнги қарши бартараф этишда қўшимча 65 та куч ва воситалар жалб қилинишига, 13 минг тонна ёқилғи ресурслари сарфланишига сабаб бўлди. Фуқароларга кўп миқдорда моддий ва маънавий зарар келтирди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг "Ёнги хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ, вилоят ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси лойиҳачилардан жорий йил вилоятимиз ҳудудида аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича тайёрланган ҳужжатларни амалдаги қурилиш қоидаларига асосида ишлаб чиқиш ҳамда уларга ёнги қарши сув таъминоти, бошқача айтганда, ер ости сув гидрантлари ва ҳовузлари киритилишини унутмасликларини сўраймиз.

Мансур МИРЗАХЎЖАЕВ,
вилоят ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси маърий-техника бўлими бошлиғи

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИБОР

ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши керак

Таъкидлаш жоиз, вилоят ҳокимлиги ижро аппаратида хотин-қизлар бўйича котибият мудир, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан ишлаш бўйича бош мутахассис, бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга масъул, хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорлик бўйича етакчи мутахассис лавозимларининг янгидан жорий этилгани, ўз навбатида, туман-шаҳарлардаги хотин-қизлар кўмиталарига қўшимча штатлар ажратилгани ишмишни янада самарали йўлга қўйиш имконини беради.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат – маҳаллаларда "Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис" лавозимининг жорий этилганидир. Ҳозирги кунда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги миндан ортиқ маҳаллаларда фаолият кўрсатилмоқда.

Бошланғич 1-бетда



тиб келаётган 998 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ўрнида иш бошлайдиган янги ходимлар оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтириш, ёшларимизни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, камол топтириш йўлида хизмат қилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фаолиятининг ҳудудий ҳокимликларга бўйсундирилиши ва бу ишлар хотин-қизлар кўмитаси раислари томонидан мувофиқлаштирилиши, шаҳар-туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида "Аёллар маслаҳат бўлими"ни, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида "Аёллар маслаҳатхоналари"нинг ташкил этилиши оила соғломлиги, хотин-қизлар репродуктив саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Айни пайтда Президентимизнинг юқорида номи келтирилган Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг

тегишли фармойиши ижросини таъминлаш бўйича вилоят ҳокимининг 2018 йил 7 февралдаги қарори ижроси доирасида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларимиз хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини таъкидий ўрганидан ички гуруҳи таркиби тасдиқланди. Вилоят ва барча ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари раислари лавозимига 69, мутахассис вазифасига 171 нафар, шунингдек, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг

ҳудудий бўлим раҳбарлари, ФХДБ бўлимлари мудирлари лавозимларига захира кадрлар шакллантирилмоқда.

Мухтасар айтганда, муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, турмуш шароитларини хар томонлама яхшилаш бўйича белгилаб берган муҳим вазифаларини Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар, адлия бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда талаб даражасида, юксак масъулият билан бажариши мумкин зарур.

Мулоҳазаларимизни давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзлари билан яқунланмоқчимиз: "Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланади керак. Оилага эътибор – аслида бу ўзлигимизга эътибордир".

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Сайёра РИХСИЕВА ёзиб
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат

Жараён

Вилоят Халқ қабулхонасида "Юридик хизматларни мувофиқлаштириш ва уларга методик ёрдам кўрсатиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги мутасаддилари, вилоятимиздаги давлат ташкилотларининг юридик хизмат ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЮРИСТЛАР УЧУН МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Тадбирда мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор берилётгани, бунда, аввало, юридик хизмат ролини ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди. Айтиш жоиз, Президентимизнинг "Юридик хизматлар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари таллабларига риоя этилишини таъминлашга масъулиятни янада оширишлари лозимлиги эслатилди.



Дарҳақиқат, қарорда белгиланган янги меъёрларни амалиётга кенг жорий этилиши, келгусида юридик хизмат ходимлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

ТАЛАБАДАН ТАЛАБ БИТТА

Тошкент давлат аграр университетиде "Ёшлар ва қонун" мавзусида тадбир ўтказилди.

Ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят прокуратураси, адлия, ички ишлар бошқармалари вакиллари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Унда сўз олганлар ёшларга ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун моддий ва

маънавий шароит яратиб бериш, йигит-қизларнинг "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолмасликларини бўйича билан газ тармоқларига уланиш ҳақида гапирди.

– Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши яхши, – дейди университет талабаси Дилмурод Тожиёв. – Ахир, биз, ёшлар мутахассислар билан тўғридан-тўғри гаплашиш, фикр алмашиш имконига эга бўлаёмиз. Мавзуга доир намойиш этилаётган видеофильмлар эса одамни ўйлантиради.



Тадбирда ахборот соатлари, талабалар тураржойларида мавзу юзасидан фильмлар, видеороликлар намойиш этиш, давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувлар ташкиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Илмира ЛАЗИЗОВА
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ
барчани қамраб олиши керак

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотлар ёшидан, иркидан, жинсидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча ўқувчиларнинг сифатли таълим олишини таъминлашга қаратилган.



Таълим соҳасида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган фахрийларнинг айтишича, ўтган йиллар давомида давлатнинг таълимга бундай меҳрли илтифоти, эътибори, ғамхўрлиги кузатилган эмас.

Ангрен шаҳридаги 73-ихтисослашган мактаб-интернатда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ўтказилган ўқув семинарида ҳам бу алоҳида таъкидланди. Мазкур тадбир "Ўқувчиларни ўзлаштириш ва билим сифатини оширишда инновацион технология ва интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш" деб номланган бўлиб,

дология асосида дарс ташкил этиб, ўз касбдошларига маҳорат мактабини намойиш этишди. Бунда жами 11 та мавзу бўйича 12 та аудиторияда сабоқлар ўтказилди. Асосийси, ўқув семинарида бевосита иштирокчи бўлаётган шу мактаб ўқувчиларининг фаоллиги, ўзлаштириш даражаси, "ўрган-ўргат" тизими бўйича тафаккури юксалиб бораётгани иштирокчиларни лол қолдирди. Виртуал лаборатория ва дидактик ўйинлар билан дарсини ташкил этишининг ўзига хос ус-тунликлари йигиланларга манзур бўлди. Она Ватанимизда боланинг

жисмоний ёки бошқа нуқсонини пиласанд қилмай, уларни буюк келажақ сари руҳлантираётган, қалбига ёруғлик, шўъла сочаётган меҳрга тимсоол устозларнинг борлиги учун шукронга айтгиниз келади, ғамхўр давлатимизга қуллук қилсан, дейсиз...

Тадбир доирасида дарсликлар ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирокида таҳлил қилинди. Ундаги мавзуд камчилик ва нуқсонлар рўй-рост айтилди. Устоз педагоглар Республика таълим марказига айна масалалар бўйича тақриф билдиришга келишиб олдилар.

Ўз мухбиримиз
Н. ИСМОИЛОВ олган сурат

Реклама ва эълонлар

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарт билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.
Танлов савдоларига куйидаги давлат активлари куйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сакловчи	Балансда сакловчининг фаолият йили	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизда ташкил этилганлиги фаолият йўналиши	Инвестиция киритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинган энг кам ишчи ўринлар сони
1	Ярим ертўла нотурар биноси	Ангрен шаҳри, "Тўзал" МФЙ, 8-даха, Ёшлик кўчаси, 32-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	100,0	-	1	3
2	Ярим ертўла нотурар биноси	Ангрен шаҳри, "Тўзал" МФЙ, 8-даха, Хоразм кўчаси, 18-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	100,0	-	1	2
3	Курилиш тугалланмаган мактаб биноси	Ангрен шаҳри, Беруний МФЙ	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	1100,0	-	2	22
4	Гараж биноси	Ангрен шаҳри, Ёшлик кўчаси, 49-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	300,0	-	2	8
5	Собик "Умба" суратхонаси ярим ертўла нотураржой биноси	Ангрен шаҳри, 31-даха, 3-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	50,0	-	1	2
6	Ярим ертўла нотурар биноси	Ангрен шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 38-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	400,0	-	1	10
7	Ярим ертўла нотурар биноси 1-2-қисми	Ангрен шаҳри, 4-даха, 14-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	300,0	-	1	6
8	Ярим ертўла нотураржой биноси	Ангрен шаҳри, Ўзбекистон Мустанкиллиги кўчаси, 74-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	300,0	-	1	6
9	18-сонли умумтаълим мактаби филиалининг фойдаланилмаётган устaxonа биноси	Ангрен шаҳри, Янгибод кўрғони, Коччи кўчаси	Халқ таълими вазирлиги	Ушбу объект Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарорига асосан "ноль" харид қийматида сотилган.				
10	Нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, 13-даха	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	140,0	-	1,5	14
11	1 қаватли бўш турган нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, ишлаб чиқариш ҳудуди	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	120,0	-	2	12
12	Ўқув устaxonасининг 1-сонли бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, ишлаб чиқариш ҳудуди	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	180,0	-	2	18
13	1 қаватли нотураржой биноси	Бекобод шаҳри, 3-даха, Шаҳрибод кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	50,0	-	1	5
14	Ўқув устaxonасининг 2-сонли бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, ишлаб чиқариш ҳудуди	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	100,0	-	2	10
15	1 қаватли бўш турган нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, 14-даха, "Ёшлик" МФЙ ҳудуди	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	100,0	-	1	10
16	Собик тери касалликлар шифохонаси нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, Ватанпарвар кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	80,0	-	2	8
17	1 қаватли бўш турган нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, Ўқитувчилар кўчаси	Бекобод шаҳри, коммунал ва кишлоқ хўжалиги коллежи	Таълим	120,0	-	1	12
18	Козонхона биноси	Бекобод шаҳри, 3-даха, Халқлар дўстлиги кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	60,0	-	1	6
19	Нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, "Цементчи" МФЙ, Хумо кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	150,0	-	1,5	15
20	Собик юкумли касалликлар шифохонаси нотураржой бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, 3-даха, Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	180,0	-	2	18
21	Собик юкумли касалликлар шифохонасининг лаборатория, омборхона бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, 3-даха, Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	150,0	-	2	15
22	Собик юкумли касалликлар шифохонаси ёрдамчи бино-ишооти	Бекобод шаҳри, 3-даха, Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	140,0	-	1,5	14
23	Собик юкумли касалликлар шифохонаси хўжалик бино-ишоотлари	Бекобод шаҳри, 3-даха, Ал-Хоразмий МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	80,0	-	1	8
24	Собик «Хос Муҳаммад агро» ММТП бино-ишоотлари	Бекобод тумани, "Хос" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	200,0	-	2	8
25	Фельдшерлик ва акушерлик пункти бино-ишоотлари	Бекобод тумани, "Назарбой" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	50,0	-	2	5
26	Нотураржой биноси	Бекобод тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, "Дўстлик" МФЙ	Бекобод тумани, «Барқамол авлод» болалар маркази	Ёшлар маркази	30,0	-	2	5
27	Собик иссиқлик манбаи корхонасининг бўш турган нотурар бино-ишооти	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, Имом Ал-Бухорий кўчаси	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	70,0	-	2	5
28	Собик гараж биноси	Бекобод тумани, Янгиҳаёт ҚФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	80,0	-	2	3
29	Нотураржой биноси	Бекобод тумани, Бекобод агросаноат мажмуаси 4-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	120,0	-	2	6
30	Собик гараж биноси	Бекобод тумани, Бекобод агросаноат мажмуаси 4-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	500,0	-	2	15
31	Собик гараж биноси	Бекобод тумани, Бекобод агросаноат мажмуаси 2-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	300,0	-	2	10
32	Собик омборхона биноси	Бекобод тумани, Бекобод АСМ 4-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	80,0	-	2	6
33	Козонхона биноси	Бўка тумани, Магистраль кўчаси	Бўка тумани ДСЭНМ	Бўка тумани ДСЭНМ козонхона бино-ишоотлари ташландиқ ҳолга келганлиги сабабли 2012 йилда бузиб ташланган.				
34	Козонхона биноси	Бўка тумани, Бобур кўчаси	Бўка тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	150,0	-	1,5	6
35	3 қаватли эски шифохона биноси*	Куйи Чирчиқ тумани, "Маданият" МФЙ	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	50 000,0	Тиббий муассаса	2	50
36	Собик дўкон биноси	Куйи Чирчиқ тумани, "Маданият" МФЙ	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	1000,0	-	1	15
37	Иссиқлик манбаи бино-ишоотлари	Оққўрғон тумани, "Сегизбаев" МФЙ, Сегизбаев кўчаси	Тошкент вилояти Иссиқлик манбаи ДУК	Иссиқхона	300,0	-	2	10
38	Собик Янгийўл иссиқлик манбаига қарашли козонхона биноси	Оққўрғон тумани, "Мустанкилик" МФЙ	Тошкент вилояти Иссиқлик манбаи ДУК	Иссиқхона	200,0	-	2	6
39	Ертўла биноси қисми	Олмалик шаҳри, Туркистон кўчаси, 6-уй	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	150,0	-	2	8
40	Олмалик шаҳар Давлат солиқ инспекцияси собик биноси	Олмалик шаҳри, Эхтиром кўчаси	Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси	Солиқ ижроси	720,0	-	2	20
41	Собик бекат биноси	Оҳангарон тумани, Галлақудук ҚФЙ, Курувчи кўчаси, 1-уй	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	20,0	-	2	2
42	Собик шифохона биноси	Эски Тошкент ҚФЙ	Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси	Тиббиёт	400,0	-	1,5	10
43	"Тошкент Гидрометеорология қурилиш бошқармаси" МЧЖ мулкрий мажмуаси	Чиноз тумани, Гулзоробод кўчаси, 37-уй	"Ўзқурилиш материаллари" АЖ	Бирлашма	1600,0	-	1,5	100
44	Собик ҳаммом биноси	Юкори Чирчиқ тумани, Оқота ҚФЙ	Юкори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	200,0	-	1	10
45	Болалар ижодиёт уйи	Ўрта Чирчиқ тумани, Янгиҳаёт ҚФЙ, "Юксалиш" МФЙ	Ўрта Чирчиқ тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият	1200,0	-	8 ой	20
46	Козонхона биноси	Ҳисорак ҚФЙ, Беруний кўчаси	Туман тиббиёт бирлашмаси	Тиббиёт	400,0	-	2	10
47	Нотураржой биноси	Юкори Чирчиқ тумани, Наврўз ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласи	Юкори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	1200,0	-	2	10
48	Собик 14-сонли болалар боғчаси бино-ишоотлари**	Чирчиқ шаҳри, 3-кинч даха	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	200,0	тураржой	2	-
49	Собик 24-сонли болалар боғчаси бино-ишоотлари**	Чирчиқ шаҳри, 8-кинч даха	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	250,0	тураржой	1,5	-
50	"Нажот" шифохонасининг фойдаланилмаётган биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, Ангор ҚФЙ, "Ўртавул" МФЙ ҳудуди	Ўрта Чирчиқ тумани соғлиқни сақлаш бирлашмаси	Тиббиёт	1500,0	-	2	35
51	Ярим ертўла нотураржой биноси	Ангрен шаҳри, А. Навоий кўчаси, 12-уй	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	70,0	-	1	6
52	Жанубий кон бошқармасининг 2-сонли автоколониаси	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	"Навий кон-металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси	Кончилик	100,0	-	3	10
53	Жанубий кон бошқармасининг 1-сонли автоколониаси	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	"Навий кон-металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси	Кончилик	500,0	-	2	20
54	Нотураржой биноси	Ангрен шаҳри, 5/3-даха ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	Маъмурий бошқарув	30,0	-	1	3
55	Мактабгача таълим муассасасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, Янгиҳаёт ҚФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	Таълим	800,0	-	3	25
56	Мактабгача таълим муассасасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, Жумабозор ҚФЙ, "Ҳамза" МФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	Таълим	300,0	-	2	15
57	Техниклар ижодий уйининг фойдаланилмаётган биноси	Куйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, 2-маҳалла ҳудуди	Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Таълим	200,0	-	1,5	5
58	Нотурар бино	Куйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, Мухаммадова кўчаси	Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Таълим	100,0	-	1,5	10

*Объект негизда тиббиёт муассасаси ташкил этиш шарт билан сотилади.
**Объектлар тадбиркорлик субъектлари томонидан мукамал таъмирланиб, уй-жой сифатида сотилади, бунда бунёд этилган уй-жой фондининг 20 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига, хусусан, вояга етмаган етим болалар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида маҳаллий туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади.
Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг, кейинги 1 йил давомида сақланади.
Танловда голиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаштирилади, бунда, баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов голиби томонидан қопланади.
Инвестиция киритиш шарт билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино-ишоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.
Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар 2018 йил 28 март куни, соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 1-қаватидаги залда очилади.
Танловда қатнашиш учун муҳрлаб кўйилган таклифлар олиш 2018 йил 23 март 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмас, оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.
Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмас, такрорий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат 9.00 да бўлиб ўтади.
Танлов ҳужжатларини топшириш ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган
Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.
Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртмамома тақдим этади:
- нодавлат юридик шахслар учун - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган сотиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва киритиш шартли).
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80.
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.
Шунингдек, ҳудудий танлов комиссиянинг тегишли баённомаси қарорларига асосан, Бекобод тумани, Жумабозор кишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, "Ҳамза" кишлоқ врачлик пункти балансида бўлган эски ФАП-1 биноси бўйича "Bekobod plast" МЧЖ; Ўрта Чирчиқ тумани Халқ таълими ММФМТ балансида бўлган, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув кишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган, 3-сонли мактабнинг бўш турган оқова ва сув тозалаш биноси бўйича "Ихлос бизнес барака" МЧЖ; Чиноз тумани, Туркистон кишлоқ фуқаролар йиғини, Т. Эрнарзоров массиви, "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, Чиноз тумани ҳокимлиги балансидаги 24-сонли болалар боғчаси биноси бўйича "Gold grand business" МЧЖ; Чиноз тумани, Янги Чиноз шаҳарчасида жойлашган, Чиноз тумани ҳокимлиги тасарруфидоги 6-сонли мактаб биноси бўйича "Peng sheng" МЧЖ; Янгийўл тумани, Гулбаҳор кишлоқ фуқаролар йиғини, Ш. Рашидов кўчасида жойлашган маъмурий бино-ишоотлар бўйича "Temur invest biznes" МЧЖ голиб сифатида эътироф этилганлигини маълум қиламиз.
Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқладиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 230-41-75 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Зангиота дехқон бозори" МЧЖ таъсисчилари дикқатига!
"Зангиота дехқон бозори" масъулияти чекланган жамиятининг 2017 йилги молиявий фаолияти якуни бўйича ва таъсисчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2018 йил 28 февраль куни соат 10.00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.
Манзил: Келес шаҳри, "Кўктерак" дехқон бозори, "Зангиота дехқон бозори" МЧЖ маъмурий биноси.
Барча таъсисчиларни мажлисга таклиф этамиз.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан Оққўрғон тумани, "Қаҳрамон" ДФХУ манзилида жойлашган 10.08.2011 йил № 160/1621-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "ТОШКЕНТ LIDER PLUS" МЧЖ (ИНН 201175991) ихтиёрий равишда тугатилади.
Асос: жамият яхша таъсисчиларининг 19.02.2018 йилдаги 1-сонли қарори.
Маълумот учун телефон: (+99893) 511-85-41.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ
Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 24 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечкурун ёмғир ёиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 0-5, кундузи 9-14 даража илқ бўлади.
Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёнғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши мумкин. Қор қўчиши хавфи бор. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 0-5 даража илқ, айрим жойларда 1-3 даражагача совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

